


# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

1999 ЙИЛ  
5 ЯНВАР, СЕШАНБА

№ 1 (101)

Сотувда эркин  
нархда

Sarhisob

## ДУНЁ БИР ҚАСР...

Азиз замондош!  
Мана, 1998 йил ҳам кимларгадир шодумонлик, бахт-икбол, яна кимларгадир орзу ва армон ҳаля этганича тарих мулкига айланди. Бир куни Луқмони Ҳакимдан сўрабдилар:

- Минг йил умр кўрдингиз, дунёдан кўнглингиз тўлдими?

- Йўқ. Бу дунё икки эшикли бир қасрга ўхшар экан. Гуё бирисидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетаётгандекман, - дея жавоб берган эканлар ҳазрат.

Дарҳақиқат, умрдек шовқин, беқарор ва айни чоғда азиз неъмат борми дунёда?!

Мелодийнинг 1999 йилга қадам қўйди. 1998 йил асов тулпордек бир силтаниб, бир юлқиниб ўтди-ю кетди. Ахир, бир йилгина муқаддам ўтган йилни олам-олам орзу-умидлар билан қаршиламаганмидик?

Йилларни учқур шамолга, шовқин ва тошқин дарёга менгайдилар. Тўғри қиёс. Аммо шамолнинг шаштида тўзиган кунлардан бизга нелар ёл бўлиб қолди?

Ҳар нечук эски йил ўй-хаёл тафаккуримизни бир қадар юксалтирди. Ложувард осмонни забт этиб иссиқ манзиллар томон кетган қушларга ҳавасманд кўнглиларимизда ўсди. Бу йил мустақил мамлакатимизни, унинг меҳнатқаш, олтун қўли халқини дунё аҳли яна бир бор қониқиб билан эътироф этди. Республика-мизда қўлга киритилган ижтимоий, иқтисодий, қола-верса, маданиятдаги оламшумул ютуқлар дўстларимизнинг кўнглини тўлдириб, ганимларимизнинг кўзини куйдиртгани ҳам бор гап.

Хўш, ўтган йилда «Инсон ва қонун»нинг ўқувчилари билан мулоқоти нечоғли самарали бўлди? Албатта, бу саволга муштарийларимиз ҳам ўз сўзларини айтдилар. Биз учун эса сизнинг жиндек эътиборингизнинг ўзи катта муқофот. Йил давомидаги сайё-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ юртдошларимизнинг ҳуқуқий онг ва маданият борасидаги тушунчаларини бироз тўлдиролган бўлсак, беҳад хурсандмиз.

Биз мамнунмизки, газетамиз ўтган йил мобайнида ранг-баранг мавзулардаги мақолалар чоп этиб, муаммоли чиқишлар билан бир қаторда янги ва янги номларни ҳам кашф этди. Янги йилда эса бу муаллифларнинг энг сара битикларини эътиборингизга ҳавола эта-миз. Сиз билан ва билмаган тажрибали ҳуқуқшунос, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, журналист, ёзувчи ва шoirларнинг газетамиз саҳифаларида тез-тез меҳмон бўлишларини таъминлаш ниятиданимиз.

Янги йил Президентимизнинг Фармони билан Аёллар йили деб аталди. Аёллар йилида онахонларимиз опа-сингилларимизга алоҳида-алоҳида саҳифалар ажратамиз, уларнинг ютуқлари, қувончу дардлари билан ўртоқлашамиз. Орзуимиз - азиз ва муқаррам зотларнинг кўзларида асло алам ёшлари кўнмасин!

Дунё - ўткинчи қаср. Югурик вақт олдига ушбу ибора янада аниқлик касб этди. Демак, биз бу қасрдан ҳеч нарса олиб чиқиб кетолмаймиз. Аммо баҳоли қудрат эзгу аъморларимиз ила яхшилик қолдириб кетишимиз мумкин.

Янги йилда барчамизга умри боқий яхшилик ҳамроҳ бўлсин, азиз муштарий!

ТАҲРИРИЯТ



1999 йил - Аёллар йили. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 1999 йилда Аёллар йили деб эълон қилиниши - бу шунчалик бир олат тугига кириб бораётган аниқлик қандайдир бир тадбир эмас. Унинг ўзига хос сабаблари бор. Ўтган 1997 йил - Инсон манфаатлари



Оппоқ тонг уйғотар самони,  
Ой, қўён тарқатар эъни.  
Булбуллар сайратар навоини,  
Аёллар тебратар дунёни,  
Оллоҳимдан сўралган Аёл,  
Муҳаббатдан яралган Аёл...

**TUHEA**

**ЯНГИ БИНО  
ФЙДАЛАНИШГА  
ТОПШИРИЛДИ**

Янги йил арафасида Пешку туманидаги 202-сон кўча механизациялашган колонна қурувчилари туман солиқ идораси ходимлари учун янги икки қаватли бинони қуриб, фойдаланишга топширишди. Барча қулайликларга эга бўлган бу бинода 16 миллион 170 миң сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажаришган.

Ўз мухбиримиз

**She'r sheri**

**ОЙДЕК ТЎЛИШАРСАН  
ҲАР ЯНГИ ЙИЛДА...**

Ҳижрон азоблари ҳолим танг этди,  
Яна соғинч тўла байтлар битаман.  
Бағришот малағим келақол энди  
Тоқай янги йилни ёлғиз кутаман?!

Ойдек тўлишарсан ҳар янги йилда,  
Мен-чи чехрам сўлган, дилғир, хастаман.  
Эски йилдан бисот - ажин манглайда,  
Тоқай янги йилни ёлғиз кутаман?!

Умр елдек учқур, лаҳзалар шовқин,  
Фаслар этгани ҳарчадиг тутаман.  
Сенсиз бахтим қулмас, дилмада тузуи,  
Тоқай янги йилни ёлғиз кутаман?!

Тоқай янги йилни Сенсиз кутаман?!.  
Бахтиёр ОЛЛОМУРОД

## Аyollar yili - ahillik yili СИЗ - ОНАСИЗ, БУЮКСИЗ!

Курыони Карим оятларида, пайгамбаримиз ҳадисларида дунёда энг азиз ва муътабар инсон - аёлларимизни ардоқлаш тақрор ва тақрор таъкидланади. Оламда одам боласи борки, уни она тугқан, оқ сут берган, жонини минг салқа қилиб, тун ва куннинг фарқига бормаган. Бир оҳига юз оҳ урган. Гарчи табиат сирларини очдик, ўн саккиз минг оламга таъриф бердик, лекин айтинг, ким онанинг буюк хизматига аригулик сўз топа олди? Ҳаётимизнинг файзи, хонадонларимизнинг чароғонлиги, турмушимиз нақадар ҳақ гапни айтдилар. Дарҳақиқат, аёлларимизнинг жамиятимиздаги ўрни беқийёсидир. Аёл, оила ва жамият нақадар муштарак. Зотан, мустақил давлатимизнинг бош мақсади - ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамиятини барпо этмоқдир. Шу нуқтаи назардан, инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириши ана шу мақсаднинг пойдеворини ташкил қилади. Инсон, оила, жамият манфаатлари ўзаро чамбарчас боғлиқ ва улар бир-бирини тўлдириб турадиган қадриятлардир. Биз ўз келажагимизни қуришда биринчи гада жамиятнинг асоси бўлган оилага таянамиз.

1998 йилнинг Оила йили сифатида ўтказилиши суд органларининг зиммасига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида оилани ҳар томонлама ҳимоя қилишда, уни сақлаб қолишда, болаларни оилага, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, нақадар идоралари ҳимоя муносабатларидаги қонунларни мустақамлашда, фуқароларнинг оила ва жамият олдидagi жавобгарлик ҳиссини тарбиялашда янада қучлироқ масъулият юклади.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, ички ишлар бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ФХД бўлимлари, улар қошидаги оила муаммоларини таҳлил этиш маслаҳатхоналари тажрибалири оммалаштирилиши натижасида 1998 йилда нисбатан кўп оилаларнинг сақлаб қолинишига эришилди. Туман ва шаҳар судларига ҳам никоҳдан ажралиш ҳақидаги давво аризаларнинг келиб тушиши нисбатан камайди.

Аммо бир муаммо бор. У ҳам бўлса жойларда ҳамон балоғат ёшига етмаган қизларни турмушга узатиш давом этмоқда. Бундай қонунсиз хатти-ҳаракатга чек қўйиш учун аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун ҳали кўп ишлашимиз, тушунтириш ишларини олиб боришимиз керак.

Менинг битта тилагим бор. У ҳам бўлса 1999 йил - Аёллар йилида бирорта ҳам хотин-қизни суднинг «қора» курсисига кўрмасак. Илоҳим, улар алашиб ҳам жиноят, қонунбузарлик қўчасига киришмасин. Чунки аёл она, она эса буюкдир.

Коримжон ТОШҲУЛТОВ,  
Андижон вилоят судининг раиси

**УШБУ  
СОНДА:**

«СЕНГА  
УЙПАНИМАСМ.  
МАНА!»

2-бет

**ҚАЙНОНАСИНИ  
ЎПГАН ЭДИ...**

3-бет

**Юлдуз  
УСМОНОВА:  
«Ёқтираман  
оппоқ-оппоқ  
қорларни...»**

4-бет

**Ayollarga ta'zim**

**ФАРИШТА САНЪАТКОР**

Литванинг Шауляй шаҳрининг энг кўркам жойида мамлакатда таъкид санъаткор, артист Станислава Лишневичутега ўйнал ўрнатилди, унга «Оналик» рамзий номини беришган. Ажабланишли тарфи шундаки, артистага санъатга эришган муваффақиятлари учун эмас, филолий болажонлиги учун шундай ҳурмат баҳо келтирилган. Бу санъаткор аёл эри алоҳат Қазимер билан бирга, 2 та қиздан ташқари 100 дан ортиқ етим болаларни тарбиясига олган, ювиб-таргани, топган-тутганларини баҳам кўрган, воёга етказиб мустақил ҳаётга йўллаган.

102 болани-я! Ахир, бу бутун бошли болалар уйлари ҳам ортиқ-ку! Артист аёнинг ижоди, шахсий ҳаёти, ҳушор-ҳаловати бўлганими? Буни тасаввур қиласизми? Айтиликки, «Пултолар артист»ларимизнинг қўлидан бундай жонбозлик келадими? Балким келар. Ҳар ҳолда санъаткор Станислава - фаришта аёл.

**«СИЗГА ЎФИЛ  
КЕРАКМИ, МАНА!»**

Вильноса шаҳрилик Эма Юдишка деган қиз турмушга чиққанида эрининг «ўғиллик бўлса» қабилдаги орузини рўёбга чиқармоқчи бўлди. Ҳазил аралаш «Қанча ўғил керак, ҳужайин!» деб юборди. Яратган ҳам «Ол қўлим» деб қўллаб-қувватлади, чамасин, Эма қатарасига 34 та фарзанд туғди. Қизини шундаки, уларнинг барчаси ўғил эди.

**5 ЯШАР ҚИЗЧАНИНГ  
ЖАСОРАТИ**

Литванинг Расавайн районидаги уйлардан бирида ёнгин содир бўлди. Кўп қаватли уйнинг биринчи қавати аланга ичида қолди. Шу лойт иккинчи қаватдаги хонада ўйнаб ўтирган 4 ёш 8 ойлик қизча - Кристина Страгаускайте пастки хоналардан бирида икки гўдак - укаси ва сингилчаси уйқуда эканлигини эслаб қолди. Қизча эсанкираб қолмади. Дод-вой солиб ёрдамга ҳам чақирмади. Иккинчи қават деразасидан ўзини пастга отди. Ташқари эшикдан олов ва тутун ичига ўзини уради. Оладга биттасини кўтаришга кучи етмайдиган қизалоқ, иккала укасини бираракайига қўлга олиб ўт ичидан олиб чиқди. Барчани ҳайратга солган жасоратли Кристина «Ёнгинда кўрсатган жасорати учун» медали билан тақдирланди. Бу ёшда ҳуқуқат тақдирланган қизлар яна бормикин?

**ҲА, ЯНАЯМ ЁШ ВА ЖАСУР**

Қушиқек районидаги Буларнис кишлоғидаги уйлардан бирида тўсатдан ёнгин кўтарилди. Ота-онаси хизматга кетган бу хонадонда уч яшар Аушра исмли қизча ва унинг уйқуда ётган 7 ойлик укажонини қолган эди. Ёнгин буткул қамраб олган уйга одамлар яқин келишолмасди. Ёғиб келган ота-она «болаларимиз» дея уявса тортиб йиғлашарди. Шу лойт мўъжиза содир бўлди. Олов қўлидан укасини кўтариб олган Аушра чиқиб келди. У аёлини суяга ботириб ўзи ва укасини ураб олган эди. Фарандалари устига ўзини отган ота-она улар танасидан бирорта ҳам куйган, ҳатто қизнинг жой топишолмади. Халқ 3 яшар жасур қизчани олқиллади.

Омманвий ахборот воситалари хабарларидан тўпланди

**ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти куйидаги кафедраларга муфрит давозимлари учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Жиноят ҳуқуқи;
2. Жиноят жараёни;
3. Криминалистика;
4. Ўзбекистон тарихи;
5. Фалсафа;
6. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари

Танловга мутахассисликдан бўйича фан докторлари, профессорлар тақдир этилади.

Аризалар бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Маълумоти: 700047, Тошкент шаҳри, Сайитлох кўчаси, 35-уй, 24-хона.

**Islohot inson uchun**

Инсоният яралиблики, шундай бир ҳақиқат устувор бўлиб келмоқда. Қонун нечоғли адолатли бўлмасин, у раиятпарвар кишилар илҳи кўнглига таъсирини таъини қилади, афзалликларини намойиш этади. Нияти бузуқ кимсалар қўлидаги ҳар қандай мукамал ва инсонпарвар қонун ҳам қиммати, обрў-эътиборини йўқотиб қўйиши ҳеч гапмас.

Яқинда ҳузуримга бир кекса отахон келди. Сухбат асосида кейинги пайтларда ўзидан ва халқидан бегоналашиб кетган баъзи раҳбарларнинг куракда турмас қилдикларини кўриб, қонун қафолатига ишончи йўқолганини руй-рост гапирди. «Лекин бу фикримдан ўзим изза бўлдим» деди у пировардида. Маълум бўлишича, отахон Президент Ислам Каримовнинг Самарқанд ва Навоийда юрак-юракдан ёниб айтган дил сўзларини тинглаб, юртбошимиз ва қонунларимизга бир ҳурмати унга дўнибди. Кимки қонунларимизни оёқ ости қилса, вақти-соати етиб, ўзи ҳам оёқ ости бўлиши дилдан идрок этибди.

Отахоннинг сўзларини тинглаб, омма ўз Президентига, муътабар қонунларимизга чексиз меҳр-муҳаббат қўйганлиги ва астойдил инаоэтанглигини яна бир бор ҳис этдим. Конституция ва қонунларимизга сунган Президентимизнинг кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисига нисбатан қучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини юргизётганлиги беҳиш-тиёр хаёлимни банд этди. Бундай инсонпарварлик сиёсати бозор иқтисодиёти шароитида аини муддао албатта. Зеро, қучли ижтимоий сиёсатсиз энгилгина шаклланаётган, барқарор ва осойишта турмуш йўлига чиққан мамлакатни иқтисодий жиҳатдан мустақамлаш, таъдлати равақини таъминлаш амри маҳол.

**ҒАМХҲҮРЛИК —  
ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ**

Боболар, момолар, ногиронлар дуоси - ишга рағбат. Биз одамлар орасида бўлиб, кўп эшитамиз: отахон-онахонларимиз ҳар гал имзо қўйиб нафақа оларканлар, доимо юртбошимизни дуо қилишди, уни ўз вақтида беминнат етказиб беришда улуғли бўлганларнинг барига куч-қувват, бардамлик тилашди.

Тан олиб айтмоқ жоизки, юртимиз кексалари, кўп сонли нафақахўрлари Конституциямиз шарофати билан яратилган ҳуқуқ ва имтиёзлардан ботқаларга қараганда ҳам кўпроқ баҳраманд бўлишяпти. Конституциянинг 39-моддасида куйидаги жумлалар мавжуд: «Ҳар ким қаранганда, меҳнат лавқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.


Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас. Бу сўзларнинг маънис кенг, қудратли беқиёс. Энг муҳими, Конституция ва қонунларимизнинг оғишмай амал қилишига шахсан Президентнинг ўзи қафил бўляпти. Бу нарса жойларда куйи бугун ҳоимлари зиммасига гоят кўп масъулият юклайди. Бундан ташқари барча ислохотлар инсон учунлигини авваломбор ҳамма табақаданги раҳбарлар чўқур ҳис этмоқлари даркор.

Ҳозир биргина Хоразм вилояти буйича қарийб 150 миң киши пенсия билан таъминланган. Уларга ҳар ойда тўланадиган маблағ 424 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этади. Вилоятда 32 миңдан зиёд болали оналарга ой сайин 56

ят кўрсатапти. Унда даволанувчилар учун шарт-шароитлар яратишга ҳокимлик жамғармасидан 6 млн. сўм маблағ харжланди. Шу билан бирга мазкур шифо маскани учун янги, замонавий бино қурилиши алақадорон бошлаб юборилди. 200 дан зиёд ногиронлар аравачисига бўлган эътиборнинг асосий қисми эя 1 млн. сўмдан кўпроқ моддий мадад уоштирган ҳоимларимиз ҳиммати эвазига қондирилди. Хива туманидаги «Муруват» қариялар уйига ҳам баҳоли қудрат мадад уоштириляпти.

Бундай ишлардан кўнгли тўлади, кишининг. Аммо ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Муаммо ва қийинчиликлар ҳам етарли. Уйлаймики, давлатимиз ва ҳуқуқ-мажлумининг оқилона сиёсати, халқимизнинг қудратли сайё-ҳаракатлари юртимизда қонун устуворлиги, Конституциямиз тантанасини таъминлашга қодир.

**М.ЗОКИРОВА,  
Хоразм вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи**







Тулистон шаҳридаги «Туркистон-С-Абдуғани Мансур» (Сурия) қўша корхонасида бир кеча-кундузда 500 килограмдан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шу жиҳатдан Янги йил дастурхоналари бешида корхона жамоасининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Суратда: қандолатпаз М.Азимова.

Бахтиёр Абдуқосимов Ғаллаорол паррандачилик ҳиссадорлик жамоасига раис бўлиб ишга келгач, бу ерда ишлар ижобий томонга ўзгарди. Корхона жамоаси Янги йилга 5 миллион дон тухум, 50 тонна гушт етказиб беришди.

Суратда: (чапдан) жамоа раиси Бахтиёр Абдуқосимов бош зоотехник Иброҳим Мухторов билан. Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.



Andijon tomonlarda

СУД ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Андижонда Америка Юристар Ассоциациясининг «СИИЛИ» дастури асосида ўтказилган суд тизимини ривожлантириш бўйича семинар бўлиб ўтди. Бу Фаргона водийси судьялари учун ўтказилган учинчи семинар машғулотиди. Унда Америка Юристар Ассоциацияси вакили Мэри Тайсон ҳокимиятнинг ижроия ва қонунчилик тармоқлари олдидан суд тармоғи манфаатлари номидан фаолият кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Машхура Сафиева судьялар малакасини ошириш ва суд тизимини ривожлантириш, Андижон вилоят судининг раиси Каримжон Тошпулатов, АҚШ ва Ўзбекистон суд тизимларининг солиштирма таҳлили мавзуларида маъруза қилди.

социация ишини бошқариш, судьялар касбий этика нормаларини амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳужалик суди Раисининг биринчи ўринбосари Нурмат Ахманов, Наманган вилоят судининг судьяси Гулнора Охунваллар ана шу масалалар юзасидан сўзга чиқдилар. Семинар машғулотларида Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси Раиси Абдил Тўхташев иштирок этди ва нуқ сўзлади. Машғулотлар сўнггида судьяларга сертификат гувоҳномаси топширилди.

Қайнонасини ўпган эди...

Краснодар шаҳрилик Павел исмли шахс узок йиллар мобайнида қайнонасининг «бидиллаш»ларидан безор бўлганлардан экан. Уриб ёки сўкиб бўлмасми? Ҳайдаб юборишга эса қурби етмайди. Ахир, суюкли хотинининг онажониси-да! Бир кун гаройиб вазиет туғилди: оилавий тантаналари пайтида ёнма-ён ўтириб қолган қув, тинмай «бидиллаётган» қайнонасига бироз тикилиб турди-да, тўсатдан шартта қучоқлаб ўпа кетди. Туйқусдан хонани ларага келтирувчи ҳайқирик диққатини тортган одамлар қайнонанинг оғзидан лахта-лахта қон оқаётган қувнинг тирайиб турган тишлари орасидан эса қайнонанинг устки лаби осилиб турди.

АНА СОЧУ МАНА СОЧ!

Каунас шаҳрилик Юзе деган қизга худо сочдан берган экан. Белига тушадиган бўлиб қолган сочларини турмаклаб юрган Юзе навбатдаги ювиш пайтида сочи учига қўли етмаётганини сезиб қолди. Сал ўтмай ораси ва дугоналари ёрдамида соч урадилар бўлди. Сўнгра сочинини тарашга камтаргина хонаси торлик қилади. Хуллас, сўнгги бор унинг соч узунлиги 2 метру 30 сантиметрге етганини ўлчашган. Қ.ФАЙЗИЕВ тўплаган

Айол билан олам тинаввар

ЭЪЗОЗ мова Ўрта Осие Давлат до-рифтунининг ҳуқуқшунос-лик факультетига ўқишга қабул қилинганда сенинча оламга ситмаганди. Негаки, бу воқеа орзулари ушланганининг деб ҳисобас эди. Мақсад сари ишонч билан интилганга толе ёр дейишди. Раъно Каримова Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Кенгаши қошдаги юридик комиссиянинг бўлим бошлиғи, шу комиссияда консултант бўлиб узок йиллар ишлади. Меҳнат фаолияти давомида у қонуннинг устувор бўлишини, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш зарурлигини ҳаминча ёдда тутди. У ўз ишига сикдиклидан ёндашганлар тоифасидан эди. Юзакни ишлаб кун ўтказиш, умргузаронлик қилиш Раъно опанинг феълитга мулоқот ёт бўлгани учун ўз устида тиним-сиз ишларди. Ҳалол меҳнаткам қилмади. 1971 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик қўнунчилик бошқармасининг катта маслаҳатчиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи лавозимларида меҳнат қилди. Ўз ишининг устаси Раъно Каримова «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Махлисининг бир қанча Фахрий Ерлиқлари билан тақдирланди. Кўп йиллик фаолияти давомида жуда кўп қонунларнинг яратилишида иштирок этди. Маълумки, қонун инсон учун яратилади. Қонунни яратётган мутахассис аввало инсонпарвар бўлиши керак, - дейди Р.Каримова, - ўтаётган 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинган эди. Шу йили «Оила Кодекси»нинг яратилишида иштирокимдан мамнунман. Президентининг Фармонлари билан 1999 йил «Аёллар йили» деб эълонроф этилди. Бу бизга чексиз қувонч бағиш-

лаш билан бирга масъулият ҳам юклайди. Эндликда биз янада гайрат билан Ватанимизнинг эртаниги порлоқ кунни учун ўз ҳиссамизни қўшиб ишлаймиз. Шу ўринда мен Ўзбекистондаги барча аёлларни ушбу ардоқ ва янги йил билан чин юракдан муборакбод этаман. Касбдошларининг эъозига сазовор бўлган ола ҳозирда республикадаги энг тажрибали ҳуқуқшунослардан ҳисобланади. У ёшларга ҳаминча қўйидагиларни таъкидлайди: «Қонунчилик соҳасида иш юритадиган ҳар бир юрист аввало, қонуннинг шон-шарфидини ҳимоя қилмоғи, қонун устуворлиги йўлида керак бўлса жонини фидо қилмоғи лозим». У худди шу йўлда саботли бўлди. Бутунги кунда ўзи ардоқлаган эзгу ва ёруғ фаизлатлар унинг зийнатига айланб, соҳибасини эъозларга мушарраф этмоқда. Шу эъоз Раъно опани асло тарқ этмаслигини тилаб қоламиз. Салима ҚИЛИЧЕВА

Mahalladan boshlanar Vatan

Қамаши туман марказидаги Қорасув маҳалласида олиб борилаётган ибратомуз тадбирлар ва маҳалла фаоллари ҳақида ёзишни туман ҳокими Шомурот Сатторов тақдир қилди. Ҳокимбува бизни бу маҳаллага бежиз йўлламаган экан. Ҳамроҳим «Маърифат» рўзномасининг вилоти бўйича мухбири Абдували Обиддин Қорасув маҳалласида мактаб ва оила ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилгани, маҳаллада ж о й л а ш г а н Й.Шербутаев номли 72-урта мактаб директори Мойли Эштемиров аини пайтда ва бир неча йиллардан бери маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси ҳам бўлиб ишлаётганини айтиб, аввало мактаб билан ташишини тақдир қилди. Мактаб боийидай жиҳозланган. Табиий газга уланган, иситиш тармоқлари мунтазам ишлаб турганидан жунжиб қирган одамнинг жонгани яйраб кетади. Директорнинг айтишига қараганда, мактабда 460 ўқувчи таълим олиб тарбияланар ва уларга 38 нафар муаллим сабоқ бера экан. Мактаб туман миқёсида «Одобнома» дарсларини ўтиш бўйича тажриба-синов даргоҳига айлантирилган. Бу соҳада тўпланган бой тажриба шаҳар ва туман мактабларида оммалашаётгани бизни қувонтирди. Мактабда кўп йиллардан бери фаолият кўрсатаётган «Болалар кўғирчоқ театри» ва унинг

бадий раҳбари Садриддин Суенов билан қилган суҳбатимиз қизиқарли бўлди. 1987 йилда туман болалар ижодкорлик марказида тўғарак сифатида ташкил этилган бу театр кейинчалик мактабга кўчирилган. Аини кунда мактабнинг 40 нафар ўқувчиси иштирок этаётган бу тўғаракда ўз қўллари билан тайёрланган ҳаракатланувчи 100 дан зиёд кўғирчоқлар бўлиб, улар иш-

Мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида ҳар йили «Оила, мактаб ва мен» мавзусида ўтказилаётган кўрик-танлов энг яхши оиналар ва уларнинг мактаб ўқувчилари билан санъат соҳасида, ҳозиржавоблик, Давлат байроғи ва рамзлар бўйича берилган саволларга ҳар томонлама пухта тайёрланиб, ўзаро голиблик учун курашадилар. Голиблар қимматбаҳо совринлар билан тақдирланади. «Мил-

Дилором Холбоева, маънавият ва маърифат ишлари бўйича туман ҳокимлиги вакили Лола Саодатова, ФХДЭ туман бўлимининг раиси Алимарлонова, ИИБ участка ноири Абдижаббар Янгибоевларнинг доимий кўмағидан маҳалла аҳоли хурсанд. Маҳаллада ниқоҳ ва суннат тўйлари спиртли ичимликларсиз ширин ва батартиб ўтказилмоқда.

Маҳалла ёшлари ота-боболари, момоларидан қолган анъанавий ҳунармандчилик, эгарчилик - жабдуқдўзлик, куб-бодкачилик, чопандўзлик, тикувчилик билан шугулланади. Маҳалла чеварлари тикаётган мактаб формалари ўқувчи ёшларга ҳар томонлама манзур бўлаётир.

Шунингдек, маҳаллада ўтроқлашиб қолган 60 дан зиёд дўдилар хонадон истиқомат қилади. Улар ҳалқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётир. Улар орасидан чиққан маҳалла фаоли Темика бобо Зейдуллаев Қорасув маҳалласининг умуммафатлари, ўзига хос анъаналари, тўй-маросимларининг бекаму кўет бўлиши учун жон кўйдирмоқда. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот сайлов йиғилишида маҳалла фуқаролар йиғинининг йил давомида олиб борган ишлари ижобий баҳоланиб, янги йил режалари ўқиб эшиттирилди. «Аёллар йили»да ҳам қорасувликларнинг ҳар томонлама ибрат ва намуна бўлишларига тилакдошимиз. Ҳоким РАҲМОН

ҚОРАСУВЛИКЛАР ИБРАТИ

тирокида 10 га яқин асар сахналаштирилган ва бу асарлар вилот мактабларида, болалар боғчаларида, байрам ва сайилларда намойиш қилиниб, олқиш олган. Театр жамоаси ўтган йили Қўқон шаҳрида ўтказилган қизиқчилар кўрик-танловиди 18 жамоа ўртасида 5-ўринни эгаллаб қайтган экан. Кўғирчоқбол болалар ва уларнинг мурабийси Республика Ёш томошабинлар театрининг ҳомий ва ҳамкорлигидан мамнун. Уларнинг репертуаридаги «Қизил гул», «Вақт қароқчилари», «Насриддиннинг хўйласи», «Улоқча маъраши қандай ўрганди?», «Порлайди қўш», «Ёсуман, қароқчи ва Янги йил» асарлари ҳамма вақт ва ҳар жойда болалар томонидан қизиқиб томоша қилинмоқда. Бундан ташқари мактабда ўтказилаётган санъат ҳафталикларида иқтидорли ўқувчилардан ташқари ота-оналар ҳам завқу шавқ билан иштирок этадилар.

лий дастур» бўйича ўтказилган савол-жавоб кечаси ҳам ота-оналар, ҳам ўқувчилар ёдидан сира-сира кўтарилмайдиган бўлди. 10 та фарзанд тарбиялаётган Исматуллаевлар оиласи, Тўра Норбутаевлар оиласининг ибратли томонлари бошқаларга ўрнак тарзида кенг ёйилмоқда. Қорасув маҳалласида 2500 дан зиёд аҳоли 430 та ҳўжалик хонадонларида бирлашган, барчасига табиий газ уланган, тоза ичимлик суви билан таъминланган, кичик бозор, эҳтиёт моллари дўкони, тегирмон ишлаб турибди. Тўй ва бошқа маросимларни меъёрида ва тартибли ўтказишда кўчабошлари, маҳалла фаолларидан Алишер Қанонов, Расул Сайдуллаев, Баҳодир Бозоров, Маҳмуд Бегимкулов, Холбой Бегимкулов, Темирбобо Зейдуллаев, Туреун Ҳамроев каби оқсоқолларнинг хизматлари бекиёс. Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси

Bizning musohaba

Тошкент шаҳар Юнусовд туманида 1-сонли давлат нотариал идорасида Озода СОТВОЛДИЕВА деган тажрибали юрист, ширинсухан аёл ишлайди. У киши билан суҳбатимиз жуда оддий ва қисқа бўлди.

- Озода опа, миқозларингиз кўпайишига асосий сабаб нима? - Бу саволингизга жавоб тариқасида шуни айтмоқчиманки, бизнинг соҳамиз анчагина мураккаб. Бу ерга келувчилар уй-жой ва машина олди-сотдиси-ни расмийлаштирибгина қолмай, балки ҳуқуқий маслаҳат беришимизни ҳам сўраб мурожаат қилишди. Бизнинг бу каби саволларга жавобимиз аниқ ва лўнда бўлиши учун ҳаминча тайёр туришимиз керак. Аке ҳолда миқознинг шашти сўниши ҳеч гап эмас. Бундан ташқари миқозларга ширинсуханлик билан муносабатда бўлиш керак. Айтишлайки, «Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан мусулмон динидан» деб. Мен доим ширин каломимни аямасликка ҳаракат қиламан.

нотариат тўғрисида»ги қонунда кўрсатилган нотариал ҳаракатларни тасдиқлашдан ташқари фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатамиз. Тахминан бир ойда қанча «операция» бажарасиз?

МИҚОЗНИНГ РАЪЙИ НОЗИК

- Озода опа, миқозларингиз кўпайишига асосий сабаб нима? - Бу саволингизга жавоб тариқасида шуни айтмоқчиманки, бизнинг соҳамиз анчагина мураккаб. Бу ерга келувчилар уй-жой ва машина олди-сотдиси-ни расмийлаштирибгина қолмай, балки ҳуқуқий маслаҳат беришимизни ҳам сўраб мурожаат қилишди. Бизнинг бу каби саволларга жавобимиз аниқ ва лўнда бўлиши учун ҳаминча тайёр туришимиз керак. Аке ҳолда миқознинг шашти сўниши ҳеч гап эмас. Бундан ташқари миқозларга ширинсуханлик билан муносабатда бўлиш керак. Айтишлайки, «Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан мусулмон динидан» деб. Мен доим ширин каломимни аямасликка ҳаракат қиламан.

Уйлайманки, бу савол ҳам кўпчилики қизиқтириши табиий. Бу ерда боя айтганимдек, фуқаролар кўпинча уй-жой ва машина олди-сотдиси масалалари бўйича мурожаат қилишди. Фуқаролар томонидан нотариал хизматга талаб илгарийга қараганда етмиш фоизга камайган. Бунинг асосий сабабларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва билимининг анчагина юксалганидан бўлса керак, деб ўйлайман. Шундай бўлса ҳам бир ойда тахминан 200-250 та «операция» бажарамиз ва икки ярим-уч миллион атрофида давлат солиғи топширамиз. Нотариал соҳасида ишлайдиганлар асосан қайси фаизлатларга эга бўлиши керак?



- Инсон ким бўлишидан қатъий назар камтар, ширинсухан, одамхоун бўлиб қолиши керак. Бундан ташқари нотариал хизматда ишловчилар жуда кучли психолог (рухшунос) бўлиши лозим. Чунки миқозлар орасида ҳар хил товланмачи-фирибгарлар ҳам учраб туради. Улардан эҳтиёт бўлиш керак. - Энди оилангиз ҳақида икки оғиз... - Уч нафар фарзанднинг онасиман. Катта ўғлим - Беҳзод Тошкент юридик институтининг «Юридик хизмат» факультетининг 3-босқич талабаси. Қизим Жамилахон 10-синф ўқувчиси, кенжатоим Дилмурод ўзбек-турк лицейида таҳсил оляпти. - «Инсон ва қонун» газетаси ҳақида фикрингиз?

Газетанинг ҳар бир сонини албатта ўқиб бораман. Бу йил ҳам обуна бўлганман. Кейинги вақтларда газетангиз анча ўқимишли чиқаётганидан мамнунман. Айтиш керакки, баъзилар газета фақат бир-икки соҳанинггина ёритали, деб ўйлашлари мумкин. Аксинча, «Инсон ва қонун» газетаси кўп соҳани қамраб олган. Бу яхши албатта. Чунки кўп нарсани ўқиган одам кўп соҳадан бохабар бўлади. Нотариусларнинг иш жараёнида ҳар хил қизиқарли воқеалар юз беради. Ана шулар ҳақида ва қўшимча нотариал ҳаракатлар, тавсиялар, айрим ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар бериб борилса, бизларга сабоқ бўлади. Охириги соним ё ўтган сонимди, биламиз, газетанинг туртинчи бетини жуда ўхшатибсизлар. «Сайилгоҳ гурунглари» деб. - Гапингизда жон бор, албатта. Газета ижодий жамоаси бу тақдир ва истақларингизни инобатга олишига ишонаман. Суҳбатингиз учун ташаккур. Азамат СУЮНОВ суҳбатлашди

Turfa xabarlar

Янги йилда ЧОЙХЎРЛИК

Россияда кескин ошиб кетиши кўтилмоқда. Кейинги йилларда бу улкан мамлакатта ҳинд чойининг йиллик келтирилиши 60 минг тоннадан ошмаган ҳолда 1999 йилдан бошлаб йилига 100 минг тонна, яъни 40 минг тоннадан ортиқ «қорачой» келтириладиган бўлган. Хуллас, россияликлар рус самоваридан мириқиб чой ичишадиган бўлишди-да!

ЎТГАН ЙИЛДА ТУЗХЎРЛИК

Украинанинг Харьков вилояти Лозовая шаҳрилик илчи «хўжасиз»ларча сақланаётган туздан бир халтасини очиблаб уйга келди. Хотини бир қозон борини роса тузга бўқтирди. Кўп жонли хонадон аззолари сеvimли овқатларини мириқиб тановул қилишга киришдилар. Қоринлари тўйғач, кекириб ҳузур қилиш ўрнига нават билан гу-пиллаб кулай бошладилар. Сабаби туз деганлар селитра экан.

ЎҒРИНИ «УШЛАШДИ»

Сарово шаҳри телекомпаниясининг ходимлари учун машина халтага жойлаб автомобилда кетаётган хазиначи гаройиб ҳодисани бошдан кечирди. Тасодиф тўғрйли тўхтаган машина эшигини очган ўсмир пулли халтани юлқиб олиб қочди. Хазиначи шитоб билан машинадан отилиб чиқиб, «ушла ўғрини» дея ҳайқирди ва изидан қувлай кетди. Тўсатдан ҳайқирик эшитилган тарафга ўтирилган одамлар ҳансираб шитоб билан югураётган шахсни қуришиб, шартта тутушиб ерга ётқизишди. Бир-икки чаққонроқларнинг «юғрик» қўл-оёқлари ҳалигининг ўнч-чап биқинига «бориб-келди» ҳам... Ҳазир-ғузир тингандан сўнг вазиет ойдинлашди. Ушланб калтакланган «ўғри» - ёрдам сўраган хазиначининг ўзи бўлиб чиқди. Ҳақиқий ўғрининг эса қораси ўчган эди. «Қамо таланди, ҳам қонига беланди» деб шунга айтсалар керак-да!

БОЙЛАР ҲАМ ЙИҒЛАЙДИ


Йуқ, бу биз қўрган фильм ҳақида экан. Бирлашган Араб Амирликларида «тилитгача ёғ босган» бойлар кўп. Аммо... мамлакатда қабул қилинган янги қонунга кўра беҳад даблбабозлик билан ўтказиладиган тўйлар учун қамоқ жазоси бериладиган ёки 137 минг АҚШ доллари миқдорида жарима солинадиган бўлибди. Оёғи ердан узилган ва босар-тусарини билмай қолган шўрратпараст бойлар ҳам «Йиғилайдиган», тўйларини камтарона ўтказишга япти экан. Қаранг-а! Оммавий ахборот воситалари хабарларидан олинди

Nuqtai nazar ИШТИРОКЧИ ЭМАС, ТАРҒИБОТЧИ БЎЛАЙЛИК

Миллий давлатчилигимиз, кўп асрлик меросимиз, гурур ва ҳуқуқимизни авлодлар онгига сингдиришда ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва илохотларни амалга оширишда ўқитувчилар маънавият, ҳуқуқий-тарбиёт хизматчилари томонидан ўтказиладиган тарбиявий соатлар, учрашувлар, байрам тадбирлари, давра суҳбатлари, айрим тарихий-ҳуқуқий мавзулар бўйича мулоқотлар муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия ишларидаги тадбирларимизда кўтарилаётган инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони халқимиз, демократик жамиятимиз ҳаётининг мазмунига оид мавзулар ўқувчилар дунёқарашини бойитиши, ҳуқуқий билимларини ошириши шўбхасиз. Таълим соҳасидаги ўтказиладиган бугунги илохотларнинг мақсадларидан ана бири, барча ўқитувчи ва ўқувчиларни таълим жараё-

нининг фаол иштирокчисигина эмас, аини пайтда қонунларимизнинг тарғиботчиси бўлишларига эътиборни қаратишдир. Мактабларда ўтказиладиган маънавий, ҳуқуқий билимларга онд тадбирлар йўналиши ўқувчиларда аждоғларимизнинг маънавий меросига, қонунларимизга чуқур ҳурмат уйғотмоғи лозим. Бунга эришиш йўли тарбиявий соат жараёнида ҳар бир ўқувчини ўз қобилиятига, қизиқишига яраша бирор бир мавзу қисмларини бажаришга йўналтиришдир. Мақсад ўқувчиларда эндиликда ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимоси ҳам, қўзи, сўзи ҳам ва йўли ҳам қонун эканлигини сингдиришдан иборат. СУЛТОНХЎҲА Тўраҳўжа ўли, Чилонзор туманидаги 162-урта мактаб, олий тоифадаги ўқувчи





ОДАМЛАРУ ОДАМЛАР ЭШИТМАДИМ АЕМАНЛАРИ

Экранда сўхандон қиз пайдо бўлиб, майин табассум билан бошлайди:

Ассалому алайкум, азиз телемуштарылар! Янги йилнинг янги ҳафтаси муборак бўлсин. Янги йилнинг Янги тонгини «теша тегмаган» Янги бир Янгилик билан бошломқчимиз. Шунангачи Янгики, ҳатто Янгамиз ҳам эшитмаган.

Ўзбекистон ойнаи жаҳонда Сув ҳўжалиги Бош таҳририяти ташаббуси билан Янги йилда яна Янги канал

«САЙЛГОХ» ТЕЛЕКАНАЛИ ИШ БОШЛАДИ!

(Канал ҳақидаги эълондан сўнг суварнинг шилдиришига ҳамоҳанг куй янграйди. Ортидан бадиий кенгашдан ўтган, канал қирғоғида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга чорловчи қўшиқ кетади:

Шўх-шўх ўйнар эдим, Сен билан қирғоқда мен...)

Сўхандон: - Азиз телемуштарылар, энди «Сайлгох» телеканали орқали бериладиган кўрсатувларимизнинг қисқача дастури билан танишинг. Бироздан сўнг Ўткир Саидовнинг фермерлар учун тайёрлаб келган «Бечора... ҳўкиз» деган шеъри эътиборингизга ҳавола

қилинади. Шундан сўнг «Танимадинг-а?» дея номланган концерт дастурини кўришингиз мумкин. Унда сиз хонанда Ҳожибой Тожибоев ижросида лирик тароналар тинглайсиз. Тахминан соат 10-11 ларда кўпчилик телемуштарыларнинг талабларига биноан экранда биринчи марта «Ахборот» информация дастури. Ахборот тугаши билан ҳаммамиз учун сеvimли бадиий сўз устаси Юлдуз Усмонова меҳмонимиз бўладилар. Еш оlima Дилноза Нормирзаеванинг Куён йили муносабати билан тайёрлаб келган «Фақат қочмоқ эмиш касби кўённинг» деган сўхатини соат 12<sup>00</sup> да кўрасиз. Муаллиф ушбу кўрсатув орқали жамоат транспортларида чиқмасиз юрадиган айрим эркак ва урғочи «кўён»лар ҳақида фикр юритиб, кейинги пайтларда уларнинг кўпчилиги сўйилиб, бозорларда телпак бўлиб сотилаётганини сўйиб, (узр) кўённи сўзлайди.

Кўрсатувларимиз Дилдора Рустамованинг об-ҳаво маълумотлари билан яқунланади. Унинг айтганлари ҳақиқатга тўғри келмаётганини, совуқ бўлади деган кўнларини иссиқ, иссиқ деганида ёмғир қорға айланиб кетаётганини сабабли маъруз кўрсатуви «Нега ерга қарайсан, Раён?» дея номлади. Об-ҳаво маълумотидан сўнг кардиология шифохонасида даволанаётган беморларнинг талабларига биноан Кумуш Раззоқова сўзи билан бастакор Тойлоқов кўй басталаган янги кўшиқ:

- Емғир ёғди майда-майдалаб, Майда-майда бўлди юрагим...

Хуллас, Сайилгоҳ телеканалида бериладиган бугунги кўрсатувларимиз тартиби ана шулардан иборат. Тинланг ва томоша қилинг!

Изоҳ: Лекин каналимиз Янги ташкил этилганлиги боис унга сценарийдан чиқиб, баъзи ўзгартиришлар киритворсак, хафа бўлмасиз, деган умиддамиз.

Боғимда настирин бор, Гуллайди ҳар илх баҳор. Настирин гули майда, Бундай гул бордир қайда?

Майда, майда, майда Настирин гули майда...

Кўшиқ. Унда инсон руҳиятига кучли таъсир қилувчи таъсир қилувчи буюк қудрат, сеҳр ва жозиба бор. Бунинг сабаби эҳтимол, инсоннинг қувончу дарди ҳам, меҳр-муҳаббати, ҳатто газаб ва нафратининг ҳам қўшиқда ўз аксини топганлигидир. Ҳар ҳолда у бизга она алласи, ёрининг дил рози каби таъсирчан наваларда қон-қонимизга сингиб кетган ва ҳар гал қўшиқ тинглаганимизда унинг нозик оҳанглари қалбимизга қайсидир бир торини чертиб ўтади.

Инсон қалбига она тупроқ, Ва тан муҳаббатини, болаликнинг унутилмас ва беғубор онларини қўшиқдан-да кўра яхшироқ сингдира оладиган куч йўқ. Юлдуз Усмонова билан бўлган сўхатимиз ўз-ўзидан қўшиқ мавзудан бошланди.

- Юлдузхон, айтишларича, қалбнингизда санъатга бўлган ҳавас боғчага қатнаб юрган пайтларингизда тугилган экан. Қўшиқ айтишга нима туртки бўлган?

- Айнан бирон нарса сабаб бўлган дея олмайман. Шаҳримиздаги «Олтин калитча» боғчасига қатнаб юрганимда мураббий опларим менга кўп қўшиқлар ўргатишарди. Аммо ойнаи жаҳон орқали бериладиган концертларни, айниқса эстрада юлдузлари ижросидаги қўшиқларни жон қўлогим билан эшиттардим.

- Ҳозир-чи? - Ҳозир ҳам вақтим бўлди, концерт томоша қилишга интиламан. Улар ижодидан нималардир топгандек бўлман.

- Телевидение орқали бир неча йил аввал бериб борилган «Юлдуз шоу» кўрсатуви кўпчилик олқишига сазовор бўлди. Янги йил кўнлари эса кулгисеварлар «Обид шоу»ни мириқиб томоша қилишди. Улар сизга эм ёқдими?

- Албатта. Қизиқчиларимиз ижодига мен ҳаммиса ҳавас билан қарайман. Лекин ишонасизми, негадир менга болалар учун бериладиган кўрсатувлар ёқди. «Камалак», «Оқшом эртаклари», «Катта танаффус» кўрсатувлари - жону дилим.

- Адашмасам, сизнинг иштирокингизда Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари яна бир кўрсатув тайёрлашаётган эмиш.

- Ҳа, яқинда журналист Аҳрор Аҳмедов «Адашлар» кўрсатувига таклиф этгандилар. Уни қачон эфирга чиқишини ҳозирча айтолмайман. Бу масалада тўғриси, адашларим ҳам бўш вақт топишларини инобатга олишга тўғри келаяпти.

- Айтинг-чи, сизга қайси фасл ёқди?

- Ҳамма фасл ёқди. Лекин қишда нимани ёқтираман: ҳаммаёққа оппоқ-оппоқ қорлар ёққанини...

- Юлдузхон, энди онлангиз ҳақида ҳам икки оғиз...

- Оиламизда санъаткорлар йўқ. Адамлар олдий савдо ходими, ажоним уй бекаси. Зокиржон исми биттагина акам бор.

- Сўхатимиз сўнггида анъанавий савол: муштарыларга тилақларингиз?


- Янги йилда ҳамма онажонларимиз соғ бўлисин. Янги йил ҳамма-ҳаммага қувонч олиб келсин.

Биз Юлдузхоннинг қўшиқ айтиб турган суратини газетада ёритишни ният қилган эдик. Аммо қор ёғиб, фотомухбиримизнинг аккумулятори (узр, машинасининг) «ўтириб» қолгани сабаб бу-

нинг иложиси бўлмади. Узининг эсдалик учун тушган суратини олиб келақолдик.

Сиз суратда кўриб турганингиз - кўзичоқчасини кўтариб турган беш яшар бу қизалоқ Юлдуз Усмоновадир. У Пискент шаҳрида истиқомат қилувчи Зукуржон Усмонов бошиқ ошанинг энг кенжотай азвоси.

Юлдузхон билан хайрлашар эканмиз, унинг ҳам худди адаши



Ўзбекистон халқ артисти Юлдузхон Усмонова сингари санат ошанинг ёрқин юлдузи бўлиб камол топишини тилақ қилдик.

Сўхатини Пискент туманидаги 8-мактабнинг 6-«А» синф ўқувчиси ШАҲЗОДБЕК Ёзиб олди

Юқорида ваъда қилганимиздек, кўрсатувимиз... ФАҚАТ ҚОЧМОҚ ЭМИШ КАСБИ КЎЁННИНГ дея номданиши керак эди. Лекин...

...кўёнларга аталган ҳамма сабиларни Қорбоболарга бурунлар сифатида ишлатиб юборишгани учун кўёнларимиз ўрмонга — «обед» қилгани «кўён» бўлишибди. Кўрсатувда чиқишга ваъда қилган сўхатдошимиз эса мард қизлардан экан, кўён

Bayram hazili emas...

отилган милтиқ овозини ҳам эшитмади. Бироздан кейин эса юзларига урилган шапатилардан ўйига келди. Тepasида турган икки нотаниш шахе унга кўл билан ўнг томонни кўрсатишди. Не кўз билан кўрсинки, ундан олти-етти қадам нарида баҳайбат анаконда (илонларнинг энг йирик тури) ўлиб ётарди. Анави иккиласи тагин учтўрт дақиқа кечикканда... Паҳлавон илонга ем бўлар экан.

- Лекин мен олиб келган илонлар ҳеч ҳам кўрқинчли эмас, - кўлди у. - Жудаям ботир экансиз-а?

- Биласизми, дунёда шундай инсонлар бўлар эканки... Мен истардимки, Янги йилда бир-бирини дилини захарлайдиган одамлар орамизда қолмас...

- Фақат илтимос синглим, кейинги кўрсатувимизга яна кўённингиз қочиб кетгудай бўлса, шер ё арслонни етаклаб келманг!

Изоҳ: Суратдаги қиз - Барлашан тахриригимиз ходими Дилнозахон. Биз газетамизнинг байрам сониди унинг бундан етти йил аввал тушган суратидан ижодий фойдаландик, холос.



ўрнига... бир катта илонни бўйинига илганича студияга кўриб келди. - Жанубий Африкада бўлган бу воқеани менга машҳур табиатшунос Игорь Акимовнинг сўзлаб берган эди. - Бир кўни ба-

хайбат шерлар ҳамласи ва ўтиб бўлмас лианаларни писанд қилмайдиган ўттиз ёшли бакуват эркак оладдаги юмуш учун дарё ёқалаб йўлга тушди. Бир ҳафта илгари мўлжаллаб қўйган каучук нуқтаси учун барибир дарёдан қайиқда сузиб ўтиши керак-да. Қайиғига ўтириб, эшкакни қўлига олади-ю, бирданга ҳеч нарса қилгиси келмай қолади. У аввалига ҳайратланиб, «менга шундай туюлаяпти-ми», - дея у ёқ-бугўни мушглаб кўради. Ҳаммаси жойида. Бунисиям ҳолава экан. Кўз олди қоронғилашиб, фикрлаш қобилияти сусаяди. Бир пайтда оқ танлиларнинг қамчилари зарбасига дош берган забарласт эркак беихтиёр йиғлаб юборди. Барибир тўла маҳрум бўлмаган шуури билан қандайдир яшарин хавфининг тобора яқинлашиб келаётганини ҳис этиб турар эди. У шу қадар қарахат эдики, чап томондан

РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

- Дўхтиржон, томи-миздан чакки ўтавериб, жонимизга тегди! Тунукалари эскириб, юқаллашиб кетганми, дей-ман. Кеча яна битта тешик пайдо бўлибди. - Йўқ, тешикнинг пайдо бўлишида тунукаларнинг айби йўқ. - Унда айб нимада? Сиз нима маслаҳат берган бўлардингиз? - Мен сизга «Блендамед» пастасини тавсия этаман. - «Блендамед» пастасини?! - Ҳа, ушбу паста билан томингизни кунига икки марта ювсангиз, томингиз янада бакуват бўлиб, тешиклар ўз-ўзидан йўқолиб кетади, чакки балосидан тамоман кутуласиз... Орданан бир ҳафта ўтди...

«Истаматолог» Илхом ЗОИР

КЕЛГУСИ СОНДА:


«Ичарсан, ичмасанг сотарсан»

дейишмоқда Сурхондарё «вилоят жамоаси» «ўжа адиққурлиш» трести раҳбарлари ўз ишчиларига

Найиша «СУЗОНЧИ» ҲЎКИЗЛАР

Ишхонамизга кириб келди Юзи, кўзи кўкариб Битта ишчимиз кеча. Ҳол сўрдиқ яқин бориб Деди: - Ҳўкизимизга Беда салмоқчи бўлсам, Эримдан ҳеч емаган, Каатакни ундан есам... Эшитгандик бу «тилла» Аёлининг феъду ишин. Ҳар кун бечора эрин, Асабига тегшин. Билардиқ ҳовлисин ҳам, Жуда-жуда торлисин. Ҳўкиз тузуга, товуқ ҳам,

Борлиги душворлигин. Ҳўкизгаям ҳайронимиз, Ҳар ойда у мунтазам. Фақат сузар хотинни, Эрига тегмас ҳечам. Келди бет-қўли яра, Бугун завоҳоз укамиз. - Нима бўлди? - деб сўрсак, Деди: - Сўзди буқамиз. «Сир» кейин аён бўлди, Қайфи меъёрдан ошиб. У жароҳат олибди, Дўстлар билан муштлашиб. Шундан бери атрофда



«Вой-бў, бир марта тойиб йиқилганга шунча аразми?»

Advertisement for 'SAYILGON TV' featuring a woman and the text 'Келгуси сафар эфир орқали КЎРИШГУНЧА, ХАЙР!' and 'SAYILGON TV'.

ЎТГАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Ақлия вазирлиги раҳбарлари ва жамоаси Бухоро вилояти Ф.Ҳўжаев туман судининг судьяси Абдужалил ФАЙЗИЕВнинг фожиали вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади. Тошкент юридик коллежи раҳбарияти ва жамоаси «Умумтаълим» фанлари ҳайъати ўқитувчиси Абдурашид ҲОШИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Footer containing contact information for 'Инсон ва қонун' newspaper, including address, phone numbers, and website information.